



ХАЛҚ СҮЗИ

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 январь, № 1 (8896)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер килинг.



Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН, ИНСОН БАХТИ УЧУН! ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Мухтарам ватандошлар!
Сиз, азизларни, кўп миллатли Ўзбекистон халқи
ни янги — 2025 йил билан чин қалбимдан муборак-
бод этаман.

Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамасдан, ўтёт-
ган йил мамлакатимиз учун кули ва баракали бўлди.
Бунинг учун ҳар канча шукрана айтсан, арзиди.

Мехнаткаш халқимизнинг фидокори мөнхати,
сийёсий-иختимиёй фаолиги билан янги Ўзбекистон
фояси реал воқеялника айланмоқда.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб
ўтган сайловлар демократик ислоҳотларнинг янги
даврига қадам кўйганимизни яна бир марта тасдиқ-
лади.

Юртимизда юкори технологияли янги саноат маж-
муалари, инфраструктура ва логистика тармоқлари,
автомобил ва темир йўллари барпо этилди. Бизнес,
IT ва туризм соҳалари изил ривожланмоқда. Аҳоли
даромадлари ва турмуш сифати ошмоқда.

Миршиқор дехон ва фермерларимиз, кластер-
ларимиз ишчи-хизматчилари мардона мөнхат қилиб,
мўл хосил етиштирилар.

Янги ўй-хойлар, бочга ва мактаблар, олийгоҳлар,
маданият ва спорт масканлари қад кўттармоқда. Юр-
тимиз тобора обод макёва касб этмоқда. Минглаб
юртдошларимиз янги йилни янги ўйларда кутиб ол-
моқда.

Билимни шикоатли, навқирон ёшларимиз ул-
кан ютукларни кўлга киритмоқда. Айниска, Олимпиада
ва Паралимпиада ўйинларида эришилган рекорд на-
тикалар милий спортивни тархида янги саҳифа
очди.

Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ма-
халланинг роли ва тасвири кучаймоқда. Маянвий
юксалиши жараёнлари ҳаётимизда янги куч, янги ҳара-
катга айланмоқда.

Глобал аҳамиятга эга ташаббусларимиз жаҳон
хамхамияти томонидан кўллаб-куватланмоқда.
Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ракобатбардоро
мамлакат, ишоночи ҳамкор сифатидаги обур-эти-
бори юксалиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчasi диёримиздаги
барқарорлик, дўстлик ва ҳамижиатлик натижасидир.

Бугунги шуҳру оқшомда сиз, азизлар, олий-
жаноб ва бунёдкор халқимизга ҳалол мөнхатнингиз,

она ўргта садоқатингиз учун самимий миннатдор-
чилик изҳор этаман.

Қадри дўстлар!

Биз 2025 йилга мамлакатимизда «Атроф-муҳит-
ни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили», деб ном
бердик. Асосий мақсадимиз — инсон ва табият
мувозанатига асосланган тизим яратишидир.

Янги йилда бизнес учун янада кенг имкониятлар
яратилиди. Ҳусусий муръул даҳлазисларни таъминлаш,
хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ишларини
қатни катый давом этиришимиз.

Ихтиёмий соҳалар, иш ҳақи, пенсия ва стипен-
дијалар, нафасалар мидорини ошириш эътибори-
миз марказида бўлади.

Фарзандларимизнинг замонавий билим ва
қасб-хунар эгалари, барқамот бўлиб тарбия то-
ғишлари учун бор куч ва имкониятларимизни са-
фарбар этимиз.

Имл-фан, таълим, соғлики саклаш, маданият ва
санъат, спорт соҳаларига эътибор янада кучайтири-
лади.

Мухтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар ва
ёшларга ғаҳрийларимиз, хотин-қизлар, ихтиёмий ҳимоя са-
марасини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Куроли Кучларимиз салоҳитини мустаҳкамлаш,
ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини
қўйлаб-куватлаш ишларини янги босқичга кутара-
миз.

Мухтасар айтганда, «Инсон қадри учун, инсон
бахти учун!» деган олийжон максадни барчамиз
бўйрагидан амала оширамиз.

АЗИЗ ВА МУХТАРАМ ЙОРДОШЛАР!

Барчангизни, чет эллардаги ватандошларимиз,
хорижий ҳамкор ва дўстларимизни бугунги кутлуг
баробар билан яна бир чор дилдан табриклий-
ман.

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оиласига, жона-
хон ўртимизга катта-катта ютуқ ва омадлар олиб
келсин!

Ҳамма эзгу ниятларимиз рӯёбга чиқсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кириб келаётган янги — 2025 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, нуғузли ҳалқаро ва
минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат
ва дин арбобларидан самимий табрик ва тилаклар келмоқда.

Ҳалқаро ҳамкорлар ўз қутловларида мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида янги Ўзбекистонда
сийёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастури мувafaқиятли амалга
оширилаётгани, давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуғузи ва маъвени мустаҳкамлашга хизмат қиладиган
фаол, конструктив ва pragmatik ташки сиёсат олиб бориляётганини қайд этмоқда.

Хорижий етакчилар Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли ҳалқига тинчлик-осойишталик, баҳт-саодат,
фаровонлик, катта мувafaқиятлар ва равнак тилакларини изҳор этмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Янги йил байрами муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул қилинг.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли стратегик шерпилк ва иттифоқилик муносабатлари жадал ривожланиши давом этмоқда. Тошкентдаги конструктив ва самарали музокараларимиз, шунингдек, МДХ, ШХТ ва БРИКС саммитлари доирасидаги учрашувларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги, истиқболи йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Сўнгги вақтларда эришилган келишувларнинг амалга оширилиши Россия — Ўзбекистон алоқаларининг доирасини янада кенгайтиришга, Марказий Осиё ва умуман Европа китъасида хавфзислик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-харакатларни яқиндан мувофикаштиришга хизмат килишига ишонаман.

Сизга, хурматли Шавкат Мирмонович, оиласигиз ва яқинларнингизга 2025 йилда мустаҳкам соғлик, барқарорлик ва мувafaқиятлар ёр бўлишини, дўст Ўзбекистон ҳалқига эса баҳт-саодат ва равнак тилайман.

Хурмат билан,

**Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Сизга таънилнига кабул килинг. Сизга мустаҳкам соғлик, баҳт-саодат ва барча ташаббус ҳамда интилишларнингизда катта мувafaқиятлар тилайман. Янги йил Сиз учун тинчлик ва фаровонлик йили бўлсин!

Чукур хурмат билан,

**Қозғистон Республикаси Президенти
Тоқаев**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Кириб келаётган янги 2025 йил билан самимий табрикларимни қабул қилинг. Сизга мустаҳкам соғлик, баҳт-саодат ва барча ташаббус ҳамда интилишларнингизда катта мувafaқиятлар тилайман. Янги йил Сиз учун тинчлик ва фаровонлик йили бўлсин!

Хурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,
Кирғиз Республикаси Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**


Хурматли Шавкат Мирмонович!

Кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Хурмат билан,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Хурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон милий етакчиси,
Туркманистон Xalq Maslaҳati Raissi**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Хурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклийман!

Хурмат билан,

**Масъуд ПЕЗЕШКИЁН,
Эрон Ислом Республикаси Президенти**

2024 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЙИЛ БЎЛДИ

ЎТГАН ЙИЛДА ХАМ ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ОЧИҚЛИК ВА ПРАГМАТИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТДИ. ФАОЛЛИК КУЗАТИЛДИ, ТАШҚИ ШЕРИКЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ. БИР ҚАТОР ДАВЛАТЛАРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИЛАРИ БУ ЙЎНАЛИШДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ХУСУСИДА ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРДИ.

Алоқаларни изчил давом эттирамиз

Жонатан ХЕНИК,
АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Янги йил муносабати билан оиласа ва элчионализм жамоаси номидан бутун Ўзбекистон ҳалқига энг самимий тилакларимни ўйлашдан жуда мамнунман.

2024 йилга назар ташлар эканмиз, Америка Кўшма Штатлари ва Ўзбекистон биргаликда катта ютуқларга эришганидан фахрланамиз. Бу йил биз ўзаро муносабатларимизни янги стратегик шерифлик даражасига кўтардик, бу — хавфисизлик, зарурӣ

Ташаббус ва ислоҳотларни ҳамиша кўллаб-куватлаймиз

Олган БЕКАР,
Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоган ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўтасидаги самимий дўстлик ва мулокот туфайли муносабатларимиз ўз тарixidagi энг яхши даврга эришид. 2024 йил иккى томонлама муносабатларимизда жуда самарали ва унтилимаси билди.

2024 йилнинг июн ойида Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг йигилишига Анкара шаҳри мезбонлик килди. Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи давомида 18 та шартнома имзоланиб, кейини давр учун "Йўл харитаси" белгилаб олинди.

Кардошли ришталари асосланган стратегик ҳамкорлигимиз ҳар соҳада ривожлантирилмоқда. Тальим, маданият, санъат, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, хавфисизлик соҳалари шулар жумласидан. Ўзбекистонга турк сармояларини кўпайтириш,

фойдали қазилмалар, савдо ва инвестициялар соҳасидаги ишишимизни мустахкамловчи мухим таддими.

Биз ҳалқаримиз ўртасида маданий-маърифий алоқаларни ҳам чукурлаштиридик. Инглиз тилидаги дастурларни кўллаб-куватладик ва Ўзбекистоннинг бой меросини эъзолаш, бус-бутун саклаш мақсадиди. Маданий мулкни асрар-авайлаш бўйича шартнома имзоладик.

2025 йилга қадам кўяр эканмиз, ҳалқаримизнинг янада ёруғ, фаровон келажини ташминлаш учун бу муваффакиятларни мустахкамлашади давом этамиш. Янги йил барча ишишимиз янги имкониятлар ва мазмунли тараққиёт олиб келсин!

Янги йил муборак бўлсин, Ўзбекистон!

Юй ЦЗЮНЬ, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Эски йил кузатилиб, Янги йил кутиб олинган ушбу ажойиб лаҳзаларда дўст Ўзбекистон ҳалқига Хитой элчичноаси жамоаси номидан самимий табригимизни изкор этаман.

2024 йил мамлакатларимиз тараққиёт тарихида салмоқли босқич бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доно раҳнамолигида "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда, парламент сайлови ва бошқа мухим сийёсий тадбирлар муввафқиятига ўтказилди. Ўзбекистон спортчилари Париждаги Олимпия ўйнинларida тарихий ютуқларни кўлга кириди. Йўқтисодиёт кучи ўшиши намоийш этмоқда: ялпи ички маҳсулот 6,3 фоиздан ортиқ ўсиди!



МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш бўйича ўтган йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар юзасидан видеоселектор йигилиши ҳамда етакчи тадбиркорлар билан мулоқотдан:

- мураккаб геосиёсий шароитга қарамай 2024 йилда иқтисодиётимиз **6,3 фоизга** ошиб, **111 миллиард** доллардан кўпайди;
- саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизматлар соҳасига **38 миллиард** доллар инвестиция кирди, экспорт **26 миллиард** доллардан ошиди;
- 2025 йилда ялпи ички маҳсулотни **120 миллиард** долларга, экспортни **30 миллиардрда** етказиш, инвестициялар ҳажмини **42 миллиардрдан** ошириш режалаштирилмоқда;
- кўшини мамлакатларга чегарадан ўтиш билан боғлиқ қатор масалалар бўйича ечим топилди. 13 йил ёпик бўлган Андиконнинг "Хонобод", "Мингтепа" ва "Қорасув" ҳамда 8 йил ишламаган "Учкўргон" чегара постлари тикланди.

Ўзбекистон — имкониятлар ўлкаси

Аҳмад ФАРУК,
Покистон Ислом Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор
элчиси:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол ташкиси туфайли Ўзбекистон ва Покистон ўтасидаги ўзаро манфаатли ва дўстона алоқалар ривож топмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон — Покистон муносабатлари, айниқса, иқтисодий ўйналишида янги суръат билан ривожланаётганини кўришимиз мумкин. Ўзаро савдо-сотик нуктадан назаридан бизнинг иқтисодиётларимиз рагбатчи эмас, балки бир-бирини тўлдиради. Шу маънода, ўзаро товар айрборошаш ҳажмини кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ўзниги йилларда савдо ва инвестиция ҳамкорлигига ижобий суръат кузатилимоди. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган "Янги Ўзбекистон" ва "Ная Покистон" дастурларининг муштарак экани қарашларимиз ва интилишларимиз бир-бира гирифутини тасдиqlамоқда.

2025 йилда турк ва ўзбек ҳалқарининг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги янада ортишини, Туркия — Ўзбекистон ҳамкорлиги чуқур илдиз отиб, гуллаб-янишанини, дунёда содир бўлаётган ёвузлини адолосатизликлар тинч йўл билан якун топишни тилаган холда, барчангизни Янги йил билан самимий табриклийман.

Янги йилингиз муборак бўлсин!



да Покистон сармояси иштирокидаги кўшма корхоналар сони 200 тадан ошганлиги фикриминг исботи.

Мамлакатларимиз етакчинарининг мутазам мулокотлари туфайли алоқалар стратегик шерифлик даражада

сига ўтарили. Транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги ҳамкорлик жадал ривожлаштирилди. Ўзаро савдо ҳажмини яқин истиқболда 1 миллиард долларга етказиш бўйича "Йўл харитаси" кабул килинган.

Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовара темир йўли бизнинг умумий келажигимиздир. Бу йўл битса, Покистони Марказий Осиё билан болгайдиган, Ўзбекистонни Караби, Гвадар ва Косим портларига олиб чиқадиган энг якин, арzon ва хавфисиз йўлак яратилиди. Бу темир йўл минтақаларимиз кўефасини бутунлай ўзgartirib юборади.

Янги йил байрами билан Ўзбекистон ҳалқини ва раҳбариятини кутлайман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий баҳт, хонадонларинингга тинчлик, ва файз барака тилайман. Гўзал Ўзбекистонни Яратганинг ўзи паноҳида асрасин!

Бу кутлуғ замин фарзандлари бундан буён ҳам ўз сўзини айтади

Илҳам Туя бин ИЛЁС,
Малайзиянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Янги йилни кутиб олган эканмиз, эски йилдаги кўплаб тадбирларни эсга олмоқ жоиз.

Иккى давлат ўтасидаги алоқалар 2024 йилинг май ойида Малайзия Бош вазири Анвар Бин Иброҳимнинг Ўзбекистонга ташрифдан кейин анча фаоллашди. Таширif давомида Самарқанд ва Бухорога қадарланжида киглан бош вазир Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрсатилган меҳмондўстликдан боши осмонга етди. Бу кўплаб соҳалардаги ҳамкорликнинг сезилилари даражада кенгайганини кўрсатди. Умид қиласизки. Янги йилда иккى давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилган "Йўл харитаси" оғишмай амалга оширилади.

Таълим ва туризм каби соҳалардаги ҳамкорлик статистик маълумотларининг ортиб бораётган билан бизни мамнун этиади.

Малайзия кўплаб соҳалардаги тажрибаларини Ўзбекистон билан бўлишишига тайёр. Умид қиласизки, 2025 йилда Ўзбекистон ва Малайзия инсонарни оғирини Аллоҳ енгил килсан, деб ният билдирамиз.

Ўзбекистон Президенти ва ҳалкини Янги йил байрами билан табриклаб, тинчлик-тотувлик, ҳамжихатлик ва сиҳат-саломатлик тилайман.

борадаги алоқалар кенгайшига умид билдирамиз.

Ўзбекистон замини — буок мусулмон алломаларининг Ватани. Дунёни им-фан, астрономия ва математика каби илгор билимлар билан ташминлаган. Бу бардавом бўлишига, кутлуг замин фарзандлари бундан бўйин ҳам дунёда ўз сўзини айтишига тиљакдошман. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари асоцисијаси (АСЕАН)га раислик килаётган Малайзия Ўзбекистоннинг ушбу минтақа тақдим этиши мумкин бўлган улкан имкониятларни ўрганишдағи сайды-ҳаракатларини олқишилади.

Янги йилни нишонлар эканмиз, дунёнинг бошқа қисмидаги қайин кунарни бошидан кечираётган инсонларнинг оғирини Аллоҳ енгил килсан, деб ният билдирамиз.

«Халқ сўзи».

«Яшил йўлак» лойиҳаси:

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон, Қозогистон ва Озарбайжон ўтасида "яшил" энергия ишлаб чиқариш ва узатиш соҳасидаги алоқалар кенгайтирилмоқда.

Ҳамкорлик

Бу учала мамлакат раҳбарлари томонидан 2024 йил 13 ноябр куни имзоланган "Ўзбекистон, Қозогистон ва Озарбайжон

Республикалари ўтасида "яшил" энергия ишлаб чиқариш ва узатиш" лойиҳаси бўйича битимни амалга ошириш максадидаги давлатларининг тизим операторлари Ўзбекистон Республикасидан — "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, Қозогистон

Республикасидан — "KEGOC" АЖ, Озарбайжон Республикасидан — "Azerenerji" ОАЖ) томонидан таъсис шартномаси имзоланди. Ўзбекистон Энергетика вазирлиги мавлумотига кўра, "яшил йўлак" деб ҳам атала-диган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Европа Итифоқининг "яшил битим" каби янги ташабbusларини хисобга олган холда савдо имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бирга, мазкур лойиҳа энергетика тизимларимиз барқарорлигини мустахкамлашга ёрдам беради, "яшил" инвестициялар орқали "иссиҳона газлари" чиқинидарини камайтириш бўйича экологик мақсадларимизга катта хисса кўшади.

Маълумот учун: томонлар Озарбайжон Боку шаҳрида лойиҳани амалга ошириш бўйича кўшма корхона ташкил этиш тақлифини кабул килдилар. Хусусан, "CESI" компанияси лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш учун консалтинг компанияси сифатида иштирик этади.

«Халқ сўзи».



